



**Ўзбекистон Республикаси Парвозлар Хавфсизлигини  
Назорат Килиш Буйича Давлат Инспекцияси**

**Ўзбекистон Республикасининг Авиация Қоидалари  
197 – қисм**

**Юкларни хавода ташиш  
ҚОИДАЛАРИ  
(ЎзР АҚ-197)**

**Тошкент 2013**

Ўзбекистон Республикаси  
 Парвозлар хавфсизлигини назорат  
 қилиш давлат инспекцияси  
 бошлиғининг 2013 йил 6 декабрдаги  
 36-Н-сонли буйруғига  
 илова

## **Ҳаво транспортида юк ташиш ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахбортномаси, 1993 й., 6-сон, 247-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари талабларига, шунингдек Фуқаро авиацияси халқаро ташкилотининг (ИКАО) стандартлари ва тавсияларига мувофиқ, ҳаво транспортида юк ташиш тартибини белгилайди.

### **I боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**авиация хавфсизлиги** – фуқаро авиациясини ноқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш учун мослаштирилган, инсоний ва моддий ресурслар, шунингдек комплекс чора-тадбирлар;

**аэропорт** – ҳаво кемаларини қабул қилиш ва жўнатиш, ҳаво транспортида ташиш учун хизмат кўрсатишга мўлжалланган ва шу мақсадларда аэродром, аэровокзал, бошқа иншоотлар, шунингдек зарур қурилмаларга эга бўлган иншоотлар мажмуаси;

**ташқи ўрама** – бир ёки бир неча юк ўринларини бирлаштириш учун мўлжалланган идиш;

**юк** – ҳаво кемасида ташилаётган ёки ташиш учун қабул қилинган (почта ва халқаро почта битимларининг шартларига кўра ташиладиган бошқа мол-мулк, ташувчининг багажи ёки мол-мулкидан ташқари) ҳар қандай мол-мулк, шунингдек юк хати бўйича ташиладиган багаж;

**трансфер юк** – ташиш йўналишидаги оралиқ манзилга етказиб берилган ва шу манзилдан кейин шу ташувчининг бошқа қатнови ёки бошқа ташувчининг қатнови билан ташиладиган юк;

**ташувчи** – эксплуатант сертификати бўлган ҳаво кемасининг эксплуатанти;

**ташувчининг агенти** – ташувчи номидан ҳаракат қилишга вакил қилинган шахс;

**тез бузиладиган юк** – ташиш учун алоҳида шароитлар ва қоидаларга риоя этиш талаб қилинадиган юк;

**юк ўрами варақаси** – алоҳида тоифадаги, жумладан экспонатлар, санъат асарлари ва бошқа юкларни ташишда фойдаланиладиган варақа;

**форвардер** – юк жўнатувчи ва ташувчи ўртасида воситачи сифатида фаолият олиб боровчи ҳамда юк жўнатувчига ёки ташувчига хизмат кўрсатувчи шахс;

**кузатиб борилмайдиган багаж** – йўловчининг юк хати асосида ташиладиган шахсий буюмлари;

**қимматбаҳо юк** – ташиш учун ҳар бир килограмига 1000 АҚШ доллари (ёки унинг эквиваленти) ёки ундан ортиқ миқдорда йиғим ундириладиган ҳамда сақлаш ва

хавфсизликни таъминлашнинг алоҳида чораларини талаб қилувчи юк (турли кўринишдаги кумуш, олтин, платина, қимматбаҳо тошлар, марварид ва ундан ясалган буюмлар, пул банкноталари, йўл чеклари, суғурта полислари, акциялар, маркалар ва фойдаланишга тайёр банк ва/ёки кредит карточкалари);

**эмбарго** – маълум бир вақт давомида бирор-бир (ёки исталган) турдаги ва кўринишдаги юкни маълум (ёки исталган) йўналиш бўйича ёки йўналиш ҳудудидаги маълум бир (ёки исталган) ҳудуд ёки туташ манзилларда ташишга қабул қилишни рад этиш.

2. Мазкур Қоидалар талаблари фуқаро авиацияси ташувчилари томонидан амалга ошириладиган юк ташишларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Мазкур Қоидаларда ёки ташиш ҳужжатларида назарда тутилган бирор-бир қоида ташишда иштирок этаётган давлатнинг қонунчилигига мувофиқ бўлмаса ҳамда юк ташиш шартномаси томонларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин бўлмаса, бундай қоидаларнинг тегишли давлатнинг қонунчилигига зид бўлмаган нормалари амал қилади.

4. Божхона назорати остида ташилаётган юклар божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказилади.

5. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида мазкур Қоидалардан бошқача қоидалар назарда тутилган бўлса, халқаро шартномалар қоидалари қўлланилади.

Ташувчи ҳаво транспортида юк ташишнинг ўз фаолияти хусусиятига мос келадиган ва тегишли қонун ҳужжатларига зид бўлмаган қўшимча қоидаларини белгилаши мумкин.

6. Ташувчи мазкур Қоидалар талабларини бекор қилиш ёки ўзгартиришга ҳақли эмас.

7. Ташувчи ёки унинг агенти юк ташиш учун белгиланган тарифга киритилмаган йиғим ҳақида юк жўнатувчи ва юк олувчини олдиндан хабардор қилиши шарт. Ушбу йиғим ташиш ҳужжатида назарда тутилиши керак.

8. Юк ташиш учун тариф ва йиғимлар юк жўнатувчи томонидан ташишларни сотиш амалга оширилган ҳудудда амалда бўлган валютани тартибга солиш ва юк ташиш учун ҳақ тўлаш қоидаларига ҳамда ташувчининг юк ташиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

9. Имтиёзли, махсус тариф, тарифга чегирма ва қўшимчалар, шунингдек юк жўнатувчи ва юк олувчидан олинadиган йиғимларни белгилаш ташувчининг тарифларни қўллаш бўйича қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

10. Юклар ҳаво транспортида мазкур Қоидалар ва юк ташиш шартномасига асосан ташилади.

11. Ҳаво транспортида юкларни ягона ташиш ҳужжатида асосан турли транспорт воситалари орқали ташиш томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилади. Ягона ташиш ҳужжати асосида бир неча ташувчилар томонидан юк етказиб берилиши лозим бўлган аэропортгача (бундан буён матнда манзил аэропорти деб юритилади) ташиш, узилиш бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъи назар, ягона ташиш деб эътироф этилади.

## **II боб. Юкларни ташиш шартномалари асосида ташиш**

### **1-§. Юкларни чартер шартномаси асосида ташиш**

12. Чартер (ҳаво кемаларини кира қилиш) шартномаси бўйича бир томон (кирага берувчи) иккинчи томон (кирага олувчи)га ҳақ эвазига бир ёки бир неча ҳаво кемасини юк ташишда фойдаланишга бир ёки бир неча парвоз учун тўлиқ бериб туриш мажбуриятини олади.

13. Кирага берувчи ҳаво кемасини юк ташишда фойдаланишга ўз вақтида бериши ва чартер шартномасининг амал қилиш муддати давомида ундан тегишли мақсадлар учун фойдаланишга яроқли ҳолда сақланишини таъминлаши шарт.

14. Кирага олувчи чартер шартномасида назарда тутилган тўловни ўз вақтида тўлаши ва юкни жўнаш аэропортига ўз вақтида етказилишини таъминлаши зарур.

### **2-§. Юкларни юк ташиш шартномаси асосида ташиш**

15. Юк ташиш шартномасига кўра ташувчи ўзига юк жўнатувчи томонидан ишониб топширилган юкни манзил аэропортига етказиб, уни юкни қабул қилиб олишга ваколат берилган шахсга (юк олувчи ёки унинг вакилига) топшириш мажбуриятини олади, юк жўнатувчи эса юк ташилганлиги учун белгиланган тариф бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

16. Қоғозда ёки электрон шаклда расмийлаштирилган юк хати юк ташиш шартномасини тасдиқловчи ташиш ҳужжати ҳисобланади.

17. Юк жўнатувчи юк хатида кўрсатилган юк жўнатиш санаси ва вақтини ташувчи билан келишган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

18. Юк ташиш шартномасининг амал қилиш муддати юкни қабул қилиб олишга ваколат берилган шахс томонидан юк қабул қилиб олинган вақтда тугайди.

19. Парвозлар жадвали ёки бошқа ҳужжатларда кўрсатилган вақт юк ташиш шартномасининг шарти ҳисобланмайди.

### **3-§. Парвозлар жадвали**

20. Юклар ҳаво транспортида мунтазам ёки номунтазам ташилади.

21. Мунтазам ташишлар ташувчи томонидан эълон қилинган парвозлар жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

22. Парвозлар жадвалида қуйидагилар акс эттирилиши зарур:  
ташишнинг ҳар бир йўналиши ҳақидаги маълумотлар;  
ҳафта кунлари (сутка) давомидаги ташишлар ҳақидаги маълумотлар;  
катнов рақами ҳақидаги маълумотлар;  
фойдаланиладиган ҳаво кемалари турлари ҳақидаги маълумотлар;  
жўнаш аэропортининг бошқа аэропортлар билан мунтазам ҳаво катнови борлиги ҳақидаги маълумотлар;

ҳаво транспортида юк ташиш билан боғлиқ бошқа маълумотлар.

23. Парвозлар жадвалига ташувчи томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

### **4-§. Ташувчи томонидан кўрсатиладиган хизматлар**

24. Ташувчи томонидан юк хатида кўрсатилган юкни етказиб бериш билан бир каторда қуйидаги хизматлар кўрсатилиши мумкин:

- юкни сақлаш;
- юкни юк терминалига етказиб бериш;
- юкни тушириш ва юклаш.

25. Ташувчи аэропортда, шунингдек ташишларни сотиш ва юкни расмийлаштиришнинг бошқа пункларида ушбу аэропортдан ҳаракатланадиган ҳаво кемаларининг парвозлар жадвалини, мазкур Қоидалар ва ташувчининг ҳаво транспортида юк ташиш қоидаларининг тегишли матнларини жойлаштириши, шунингдек юк жўнатувчи ва юк олувчиларнинг бошқа зарур ахборотларни олишлари учун маълумот хизматини ташкил этиши керак.

### **III боб. Юк ташиш шартномасининг асосий шартлари**

#### **1-§. Ташиш сиғимини банд қилиб қўйиш**

26. Юк ташиш учун ташиш сиғимини банд қилиб қўйиш ташувчининг юк ташиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

27. Ташиш сиғими юк жўнатувчининг ташувчига бевосита, жумладан телефон, факс, электрон почта, интернет ҳамда алоқанинг бошқа турлари орқали мурожаати асосида банд қилиб қўйилади.

28. Юк жўнатувчи учун ташиш сиғимини олдиндан банд қилиб қўйиш ҳамда юк ташиш учун ташиш ҳужжатини расмийлаштириш ташувчининг юк ташиш қоидаларида белгиланган муддатларда бажарилади.

29. Юк жўнатувчи ташиш сиғимини олдиндан банд қилиб қўйишда ташиш йўналиши, учиш санаси ва вақти, юкнинг номи, унинг вазни ва ҳажми, алоҳида хусусиятлари ҳамда ушбу юкни ташиш шарт-шароитлари ҳақида ташувчига маълумот бериши керак.

30. Юк жўнатувчи юкни жўнаш аэропортига ташувчи томонидан белгиланган муддатларда етказиб бермаса, ташувчи банд қилиб қўйилган ташиш сиғимини бекор қилишга ҳақли.

#### **2-§. Юкни ташишга қабул қилиш**

31. Ташувчи юкни юк жўнатувчи ёки у вакил қилган шахс ёхуд форвардердан қабул қилиб олади.

32. Юк жўнаш аэропортига ёхуд ташувчи тайинлаган бошқа жойга белгиланган вақтдан кечикмасдан етказиб берилиши зарур.

33. Ташувчи ёки унинг агенти юк жўнатувчининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда бошқа ташувчилардан, бошқа ҳаво кемалари ва бошқа транспорт турларидан фойдаланиши мумкин. Ташувчи юкни юк хатида кўрсатилган манзилга белгиланган муддатда етказиш учун ўзига маъқул бўлган йўналишни, оралиқ қўниб ўтиш манзилларини танлаш, йўналишни ўзгартириш ёки бошқа йўналишни танлаш ҳуқуқига эга.

34. Юк ташиш йўналишидаги оралиқ манзиллар ташувчининг ташаббуси билан ўзгартирилган ҳолларда, ташувчи юк жўнатувчи ёки юк олувчидан қўшимча йиғимлар тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

35. Юк ўзининг ҳажми, сифати, вазни ва хусусиятларига кўра ҳаво кемасида транспортировка қилиш шартларини ҳисобга олган ҳолда ташишга қабул қилинади.

36. Юкни ҳаво кемасида ташишга қабул қилиш имконияти ташувчи ёки унинг агенти томонидан аниқланади.

37. Юклар уларни ҳаво кемасининг юк бўлинмаларида ҳамда пакетлаш воситаларида эркин жойлаштириш ва мустаҳкамлаш мумкин бўлган ўлчовда бўлиши керак.

38. Хавфли юклар, тирик жониворлар, тез бузилувчан ва бошқа буюмлар уларни ташишнинг мазкур Қоидаларда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган шартларига амал қилган ҳолда ташувчининг юк ташиш қоидаларига мувофиқ ташилади.

39. Юк жўнатувчи юкнинг белгиланган тартибда ўралишини таъминлаши керак. Бунда юкка оддий ишлов берилганда унга зарар етмаслиги ҳамда учинчи шахсларга, бошқа юкларга ва ташувчининг мулкига зиён етказмаслиги керак. Қимматбаҳо юкларнинг ташқи ўрамалари ташувчининг талабига кўра пломбаланган бўлиши керак.

40. Юкларнинг қуйидаги алоҳида турлари ҳаво транспортида ташиш учун қабул қилинмайди:

хавфли юкларни ҳавода хавфсиз ташиш бўйича техник йўриқномалар, фуқаро авиацияси халқаро ташкилотининг (ИКАО) хавфли юкларни ҳавода хавфсиз ташиш бўйича техник йўриқномаларига (ИКАО, Doc 9264/AN 905) ҳамда ташувчининг юк ташиш қоидаларига мувофиқ ҳаво транспортида ташилиши тақиқланган юклар;

ташувчининг ходимлари, йўловчилар, ҳаво кемаси, бошқа мулк ёки юкларга зарар етказувчи юклар;

нотўғри ўралганлиги сабабли йўловчилар, ташувчининг ходимлари, бошқа мулк ёки юкларга зарар етказиш хавфи бўлган юклар;

карантин талаблари бажарилмаган юклар;

ташиш учун эмбарго эълон қилинган юклар.

41. Қуйидаги алоҳида тоифадаги юклар чекланган тарзда ташишга қабул қилинади:

тирик жониворлар;

хавфли ашёлар;

кузатиб борилмайдиган багаж;

қимматбаҳо ва нозик юклар;

тез бузилувчан юклар;

нам юклар;

дипломатик юклар;

санъат асарлари ва музей экспонатлари;

вазни оғир ва катта ҳажмли юклар.

42. Юклар авиация хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 июлдаги 256-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси фаолиятига ғайриқонуний аралашувлардан ҳимоя қилишнинг миллий дастури талабларига мувофиқ, парвоздан олдин мажбурий назорат текширувидан ўтказилади.

43. Юк жўнатувчи жўнатиладиган юкни назорат текширувидан ўтказишдан бош тортган ҳолларда юк ташиш шартномаси бекор қилинган деб ҳисобланади.

44. Агар юкнинг йўқолиши, камомади ёки унга етказилган зарар ҳаво транспортида ташиш вақтида юз берган бўлса, юкнинг йўқолганлиги, камомади ёки ёки унга етказилган зарар учун ташувчи жавобгар бўлади.

### **3-§. Юк хати**

45. Юк хатининг шакли фуқаро авиацияси халқаро ташкилотининг қоидалари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ташувчи томонидан белгиланади.

46. Юк жўнатувчи юк хатига киритилган юкнинг вазни, сони, манзили, ҳолати ва хусусиятлари тўғрисида берган маълумотларининг тўла ва тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.

47. Ташувчи юкнинг вазни, сони, ҳолати ва хусусиятлари, етказиладиган манзили тўғрисидаги маълумотларнинг йўқлиги, камомади ёки нотўғрилиги оқибатида келиб чиққан йўқотишлар ва харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

48. Юк хати юк ташилаётган вақтда йўқолган тақдирда, 6 (олти) нусхада қўшимча юк хати расмийлаштирилади. Бунда қўшимча юк хатининг бир нусхаси ташувчида қолади, қолган нусхалари юк билан бирга жўнатилади.

49. Юк ташиш бошланмаган бўлса, қўшимча юк хати расмийлаштирилмайди.

### **4-§. Юкнинг вазини текшириш**

50. Юкнинг вазни ташувчи томонидан у ташишга қабул қилинишидан олдин юк жўнатувчи ёки унинг вакили ёхуд форвардер иштирокида мажбурий равишда текширилиши керак.

51. Ташувчи ёки унинг агенти юкни текшириш жараёнида унинг ҳақиқий вазини аниқлаши ва юк хатида кўрсатиши шарт. Юкнинг вазини аниқлаш натижасида юк жўнатувчи эълон қилган вазн билан тафовут аниқланса, ташувчи томонидан аниқланган вазн юкнинг охириги вазни ҳисобланади.

52. Юкнинг вазни юк ташишга қабул қилинаётган вақтда ташувчига тақдим қилинадиган юкнинг стандарт техник ҳужжатлари (техник паспорт) бўйича ҳам аниқланиши мумкин.

### **5-§. Юкларни қабул қилиш ва жойлаштириш**

53. Юк жўнатувчи юкнинг ўзига хос хусусиятларини, жумладан ташиш жараёнида унга оддий ишлов берилганда юкка зарар етмаслигини ҳисобга олган ҳолда ўраши ҳамда юкнинг учинчи шахсларга, бошқа юкларга ва ташувчининг мулкига зиён етказиши эҳтимолини бартараф этиши керак.

54. Юкнинг тараси ва ташқи ўрамаси тоза бўлиши ҳамда ўткир бурчаклари, чиқиб турган учлари бўлмаслиги керак.

55. Суюқ ва бошқа юклар солинган (ўралган) металл, шиша, сопол, ёғоч ёки пластмасса идишлар парвоз шароитларига (баландлик, ҳарорат) мувофиқ бўлиши, ички босимга дош бериши ва юкнинг оқиб, тўкилиб ёки бошқача тарзда сочилиб кетишидан ҳимояланган бўлиши керак.

56. Юмшоқ ташқи ўрамаларга солинган юклар тугунлари бўлмаган бир хил ип билан ўралган бўлиши керак. Ипнинг боғланган учлари юк жўнатувчининг стандарт тамғаси билан тамғаланган бўлиши керак.

57. Қиймати эълон қилинган ҳолда ташишга топшириладиган юк ўрнининг идиш ва ташқи ўрамаси юк жўнатувчи томонидан тамғаланиши керак, фуқароларнинг шахсий мулклари бундан мустасно. Юкнинг тамғаланганлиги юк хатида қайд қилинади.

58. Оғир вазли ва/ёки йирик ўлчамли юклар ташувчи ёки унинг агенти билан келишилган ҳолда ўралган ёки ўралмаган ҳолда ташилиши мумкин.

59. Ташқи ўрамаси ИКАОнинг “Хавфли юкларни ҳавода хавфсиз ташиш бўйича техник йўриқномалари” (ИКАО, Doc 9284/AN 905) талабига, мазкур Қоидалар, шунингдек ташувчининг юк ташиш қоидалари талабларига жавоб бермайдиган юклар ташиш учун қабул қилинмайди.

60. Ташиш учун қабул қилинган ҳар бир юк ўрни маркировкалаш белгисига, махсус ишлов бериш талаб этиладиган юклар эса махсус маркировкалаш белгисига эга бўлиши керак.

61. Идишга солинмаган ёки ўралмаган юкларда маркировкалаш белгиси бевосита юкнинг ўзига қўйилиши мумкин.

62. Қиймати эълон қилинган юкка маркировкалаш белгиси қўйилганда, унда ҳар бир алоҳида жойнинг эълон қилинган нархи билан бирга, унинг вазни кўрсатилади.

63. Маркировкалаш белгилари аниқ кўринадиган ва тушунарли бўлиши, ранги ташқи ўрама рангидан кескин фарқ қилиши керак.

64. Ташувчи ёки унинг агенти маркировкалаш белгилари ва ташқи ўрамаси тегишли талабларга жавоб бермайдиган юкни ташишга қабул қилишни рад этишга ёки юк жўнатувчидан аниқланган камчиликларни бартараф этишни талаб қилишга ҳақли.

#### **6-§. Юк қийматининг эълон қилиниши**

65. Юк жўнатувчи юкнинг қийматини эълон қилган ҳолда ташишга топшириши мумкин. Юкнинг эълон қилинган қиймати унинг ҳақиқий қийматидан юқори бўлмаслиги керак.

66. Қимматбаҳо юклар ва ҳақиқий қийматини аниқлаш имкони бўлмаган юклар уларнинг қиймати эълон қилингандан сўнг ташишга қабул қилинади.

67. Тез бузиладиган, хавфли юклар ва юк олувчининг ёки юк жўнатувчининг кузатувчиси билан бирга ташиладиган юкларнинг қиймати эълон қилинмайди.

68. Қиймати эълон қилинган юклар билан қиймати эълон қилинмаган юкларга битта юк хати расмийлаштириш тақиқланади.

69. Қиймати эълон қилиниб ташишга топшириладиган юкнинг идиши ва ташқи ўрамаси юк жўнатувчи томонидан тамғаланиши керак. Бунда тамғадаги ҳарфлар ва рақамлар аниқ кўриниб туриши ва юк хатига юкнинг тамғаланганлиги тўғрисида белги қўйилиши керак.

70. Қиймати эълон қилинган юкни ташишга қабул қилишдан олдин ташувчи ёки унинг агенти:

ҳар бир алоҳида юк ўрнининг ташқи ўрамаси ва маркировкалаш белгисини синчиклаб текшириши;

ташқи ўрама ва тамғанинг бутунлигига ишонч ҳосил қилиши;

тамғадаги белгилар ва рақамларни йўриқномадаги ёзувлар билан солиштириб кўриши зарур.

71. Ташқи ўрамаси тегишли талабларга жавоб бермайдиган қиймати эълон қилинган юкларни ташишга қабул қилиш тақиқланади.

72. Юкнинг ташқи ўрамада юк жўнатувчи томонидан кўрсатилган вазни унинг ҳақиқий вазнидан фарқ қилса, бундай юк маркировкалаш белгилари тузатилиб, тегишли



хужжатлар тўғри расмийлаштирилганидан кейин ташишга қабул қилинади.

73. Қиймати эълон қилинган юкни ташиш битта юк жўнатмаси билан бажарилиши керак.

74. Қиймати эълон қилинган юклар аэропортларда бошқа юклардан алоҳида ҳолда ёпиқ, рухсатсиз кириш тақиқланган ва қулфланадиган хоналарда сақланиши керак. Бундай юклар ташиш учун бошқа турдаги транспортга топширилганда, ташувчи уни юк жўнатувчи томонидан юк хатида кўрсатилган миқдордаги эълон қилинган қиймати билан бирга топшириши шарт.

75. Қиймати эълон қилинган юкларни ташиш учун ташувчининг тарифларни қўллаш қоидаларида белгиланган миқдорда йиғим тўланади. Қиймати эълон қилинган юкни топширишда юк жўнатувчи томонидан белгиланган миқдорда йиғим тўланган тақдирдагина, ташувчи ташиш жараёнида юкка етказилган зарар учун унинг эълон қилинган қиймати доирасида жавобгар бўлади.

### **7-§. Юкни тасарруф этиш ҳуқуқи**

76. Юк жўнатувчи юк ташиш шартномаси шартларини бажарган тақдирда, юкларни жўнаш ёки манзил аэропортидан қайтариб олиш, ташувчига ташиш давомида ҳар қандай тўхтаб ўтиш манзилида уни ушлаб туриш ёки юк хатида кўрсатилмаган бошқа шахсга топшириш ёхуд юкни жўнаш аэропортига қайтариб олиб келиш ҳақида кўрсатма бериш ҳуқуқига эга.

77. Юк жўнатувчи юкни ташувчи ёки бошқа юк жўнатувчига зарар етказиш эвазига тасарруф этишга ҳақли эмас ва ушбу ҳуқуқдан келиб чиқадиган барча харажатларни қоплаши шарт.

78. Юк жўнатувчининг юкни тасарруф этиш ҳуқуқи юк манзил аэропортига етиб келган вақтда, юк олувчи томонидан ҳамма тўловлар тўланган ва юк унга топширилгандан кейин тамом бўлади.

### **8-§. Юкни кузатиб борувчининг иштирокида ташиш**

79. Юк жўнатувчи ташувчи ёки унинг агенти билан олдиндан келишилган ҳолда юкни ўзининг ёки юк олувчининг вакили – кузатиб борувчи билан бирга жўнатиш шарти билан юкни ташишга топшириши мумкин.

Ташувчининг талабига кўра алоҳида турдаги юкларни (тирик жониворлар, санъат асарлари, музей экспонатлари ва ҳоказолар) ташишда юк жўнатувчи кузатиб борувчини тайинлаши шарт.

80. Юкни кузатиб борувчи билан бирга ташиш кузатиб борувчи ким томонидан тайинланганлигига қараб, юк жўнатувчи ёки юк олувчининг жавобгарлиги остида амалга оширилади.

Кузатиб борувчи билан бирга жўнатилаётган юкни ташиш учун қабул қилиш мазкур Қоидаларга ва ташувчининг юк ташиш қоидаларига мувофиқ умумий асосларда амалга оширилади.

81. Кузатиб борувчини ташиш йўловчи чиптаси орқали расмийлаштирилади ва йўловчи ташиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Кузатиб борувчи юк билан бирга жўнайди. Бунда кузатиб борувчи ҳаво кемасининг йўловчи саломида, юк эса ҳаво кемасида махсус ажратилган жойларда ташилади.

82. Кузатиб борувчи ташиш давомида куйидагиларга мажбур:  
 жўнаш аэропортида юкни ҳаво кемасига ортишда қатнашиш;  
 юкнинг ҳолати ва унинг бутлигини кузатиб бориш;  
 юк ўрнининг силжиганлиги ёки маҳкамлаб қўйилган жойлари бўшаб қолганлиги  
 ҳақида зудлик билан ҳаво кемаси командири ёки борткузатувчини (операторни) хабардор  
 қилиш;

ҳаво кемаси командири ёки борткузатувчининг (операторнинг) рухсатсиз юкни  
 жойидан қўзғалишига йўл қўймаслик;

парвоз вақтида ҳаво кемаси командирининг кўрсатмаларини бажариш;  
 жониворларни кузатиб бораётганда уларга овқат ва сув бериш, ҳайвонлар ҳаво  
 кемаси бўлинмасини ифлослантирганда уларни тозалаш;

юкни туширишда иштирок этиш ва уни юк олувчига топширилгунга қадар кузатиб  
 бориш;

хавфли юклар кузатиб борилаётганда хавфсизлик қоидаларига риоя этиш ва  
 носозликларни бартараф этиш учун зарур анжомлар ва воситаларга эга бўлиш, ёнғин,  
 захарланиш ва бошқа вазиятларнинг олдини олиш учун бундай юк билан муомала қилиш  
 қоидаларини билиш, шахсий ҳимоя воситаларига эга бўлиш ва улардан фойдаланиш  
 қоидаларини билиш.

83. Ташувчи ёки унинг агенти кузатиб борувчига ўз мажбуриятларини бажаришида  
 зарур ёрдам кўрсатиши шарт.

84. Юкка зарар етиш хавфи туғилса ва уни бутлигича етказиб бериш имкони  
 бўлмаса, кузатиб борувчи юк жўнатувчининг топшириғига мувофиқ юкни тасарруф этиши  
 керак.

### **9-§. Юкни пакетлаш воситаларида ташиш**

85. Ташувчи айрим русумдаги ҳаво кемаларида юкларни тегишли стандартлар  
 талабларига мувофиқ бўлган пакетлаш воситаларида ташишни ташкил этиши мумкин.  
 Пакетлаш воситалари авиация ва ноавиация пакетлаш воситаларига бўлинади.

86. Авиация пакетлаш воситалари айрим русумдаги ҳаво кемалари учун ишлаб  
 чиқилади ва ҳаво кемаси жиҳози ҳисобланади.

87. Ноавиация пакетлаш воситалари ҳаво кемасининг стандарт конструктив  
 элементи ҳисобланмайди.

88. Пакетлаш воситалари соз ҳолда ва юк ташиш учун яроқли бўлиши зарур.  
 Айрим русумдаги ҳаво кемаларининг пакетлаш воситаларида аэропортларда ерда ишлов  
 бериш учун технологик жиҳозлар, механизация ва автоматизация воситалари ўрнатилган  
 бўлиши зарур.

89. Юкнинг оғирлиги пакетлаш воситасининг юк кўтариш чегарасидан ошмаслиги  
 керак.

90. Юкка зарар етишининг олдини олиш мақсадида куйидагилар тақиқланади:  
 пакетлаш воситаларини ерга қўйган ҳолда итариш ёки шатакка олиш;  
 пакетлаш воситаларини силжитиш учун лом ва шунга ўхшаш буюмлардан  
 фойдаланиш;

кран ёрдамида пакетлаш воситаларини кўтариш, асосининг ўлчамлари 2,44 x 2,44 м  
 бўлган айрим асосий палуба контейнерлари бундан мустасно;

пакетлаш воситаларининг устига юк жойлаштириш.

91. Пакетлаш воситалари юклар бўлингандан сўнг, улар юк жўнатувчи, ташувчи ёки унинг агенти томонидан пломбаланиши керак.

92. Битта пакетлаш воситасига фақат битта манзилга жўнатиладиган ёки битта трансфер манзилгача бўлган юклар жойлаштирилади. Хавфли юкларни пакетлаш воситаларида ташишга ИКАОнинг “Хавфли юкларни ҳавода хавфсиз ташиш бўйича техник йўриқномалари”га (ИКАО, Doc 9264/AN 905), хавфли юклар ташиш бўйича махсус қоидаларга ва мазкур Қоидаларга мувофиқ рухсат этилади.

### **10-§. Трансфер юкни ташиш**

93. Трансфер юклар конун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек ҳудудидан, ҳудудига ва ҳудуди орқали ташиш амалга ошириладиган давлатнинг қонунчилигига риоя этган ҳолда ташилади.

94. Ташувчи ёки унинг агенти трансфер юкни қабул қилганда, барча оралик аэропортларни кўрсатган ҳолда юк хати расмийлаштиради. Трансфер юклар алоҳида назорат остида бўлиши ва имкон борича қисқа муддатларда ва энг қулай йўналиш бўйича жўнатилиши керак.

95. Қуйидаги махсус юкларни трансфер ташиш ташувчи ёки унинг агенти ва юк жўнатувчи ўртасидаги олдиндан келишувга кўра амалга оширилади:

транзит/трансфер ташишда махсус ишлов беришни талаб этадиган юклар;

эълон қилинган қиймати 100.000 АҚШ доллари ёки унинг эквивалентидан ошадиган юклар;

оғир вазнли ва йирик ўлчамли юклар;

тирик жониворлар;

тез бузиладиган юклар;

хавфли юклар;

инсон жасади қолдиқлари, бундан жасад қули солинган қутилар мустасно.

96. Халқаро парвозлар учун очиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси аэропортлари орқали ички аэропортларга жўнатиладиган трансфер юкнинг вазни, ўлчами ва хусусиятлари ички ҳаво йўлларида фойдаланиладиган ҳаво кемасида ташиш имкониятларига мувофиқ бўлиши ҳамда трансфер аэропортларидаги мавжуд сақлаш шароитлари ва имкониятлари талабларига жавоб бериши зарур.

### **11-§. Юкни ҳаво кемасига ортиш ва тушириш**

97. Юкни ҳаво кемасига ортиш ва ҳаво кемасидан тушириш юк ташиш шартномасида назарда тутилган тартибда мазкур Қоидаларга, шунингдек ташувчининг юк ташиш қоидаларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

98. Юкни ортиш ва тушириш ташувчи ёки унинг агенти назорати остида амалга оширилади. Бунда ташувчи ёки унинг агенти:

юкни ҳаво кемасига ортиш ва тушириш қоидаларини;

юкловчи ва ёрдамчи ускуналардан фойдаланиш қоидаларини;

ҳаво кемаси ичидаги қуйи механизация тизимини;

ёнилғи қуйиш вақтида юк ортиш ва туширишнинг ўзига хос хусусиятларини;

перронда иш бажарилаётганда хавфсизлик талабларини;

пакетлаш воситаларининг созлигига қўйиладиган талабларни;  
 ҳаво кемасига ерда хизмат кўрсатиш вақтида бажариладиган ишлар ва уларни бажариш кетма-кетлигини;

турли кўринишдаги махсус юкларни ортиш ва тушириш қоидаларини;

бирга юкланадиган турли юкларнинг бир-бирига мувофиқлигига қўйиладиган талабларни;

юкларни, жумладан хавфли юкларни ортиш ва туширишда нотўғри хатти-ҳаракатлар қилиш оқибатларини (юкка ва/ёки ҳаво кемасига зарар етиши, юкнинг тўкилиши, оқиб кетиши), юклаш ёки тушириш қоидаларининг бузилиши оқибатларини бартараф этиш чоралари ва ушбу ҳолатларни расмийлаштириш қоидаларини билиши шарт.

## **12-§. Юкни топшириш**

99. Ташиш учун қабул қилинган юк юк ташиш шартномаси шартларига мувофиқ юк олувчига топширилгандан сўнг, юк ташиш бажарилган ҳисобланади.

100. Ташувчи ёки унинг агенти юк олувчига, агар юк ташиш шартномасида бошқа шартлар назарда тутилмаган бўлса, ташувчининг юк ташиш қоидаларида белгиланган муддатларда юк етиб келганлиги тўғрисида хабар бериши керак.

101. Ташувчи ёки унинг агенти юк олувчига топширилгунига қадар етиб келган юкнинг сақланишини таъминлаши зарур. Юкни аэропортда сақлаш ва унга ишлов бериш, агар юк ташиш шартномасида бошқа ҳолат назарда тутилган бўлмаса, ташувчининг юк ташиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

102. Юк юк хатида кўрсатилган юк олувчига ёки юк жўнатувчи томонидан ишончнома асосида махсус вакил килинган шахсга топширилади.

103. Идиш ёки ташқи ўрамага зарар етганлиги, юк жўнатувчининг пломбаси бузилганлиги ёки юкнинг ҳолатига таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатлар аниқланганда ташувчи ёки унинг агенти юк олувчи иштирокида юкни очиб кўриши ва уни юк жўнатувчининг ҳужжатлари бўйича текшириши шарт.

Юк етиб келганлиги тўғрисида хабардор қилинган юк олувчи юкни талаб қилиб олмаса ёки қабул қилишдан бош тортса ташувчи юк хатига мувофиқ юк жўнатувчи томонидан берилган кўрсатмаларни бажариши ёки юк жўнатувчини юкни топшириш имкони йўқлиги тўғрисида хабардор қилган ҳолда ундан тегишли кўрсатма олиши шарт.

## **13-§. Ташувчининг юкни сақлаш мажбурияти**

104. Ташувчи ёки унинг агенти юк олувчига берилгунга қадар манзил аэропортига келган юкнинг тегишли тартибда сақланишини таъминлаши шарт.

105. Юк олувчи юкни белгиланган муддатда қабул қилиб олмаса ёки қабул қилиб олишдан воз кечса, ташувчи ёки унинг агенти юк жўнатувчининг розилиги билан унинг ҳисобидан юкни ўзида сақлаб туришга ҳақли.

106. Юк олувчи хабардор қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида юк олиб кетилмаган ва бу юкка нисбатан юк жўнатувчи томонидан бирор бир кўрсатма берилмаган бўлса, бундай юк талаб қилиб олинмаган юк ҳисобланади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинади.

107. Манзил аэропортида юкни топширишнинг имкони бўлмаганлиги сабабли, юк

жўнаш аэропортига қайтариб олиб келинган тақдирда, юкни сақлаш ва қайтариб олиб келиш билан боғлиқ харажатлар юк жўнатувчи томонидан қопланиши шарт. Юк жўнатувчи ушбу харажатларни қоплашдан бош тортган тақдирда, ташувчи юк жўнатувчини огоҳлантирган ҳолда юкни сотувга қўйишга ҳақли.

108. Манзил аэропортига тегишли ҳужжатларсиз ёки маркировкалаш белгиларисиз келиб тушган юк унинг кимга тегишлилиги аниқлангунга қадар манзил аэропортида сақланади. Ташувчи ёки унинг агенти юкнинг кимга тегишлилигини аниқлаши ва уни юк олувчига ёки юк жўнатувчига топшириш учун барча зарур чораларни кўриши керак.

109. Манзил аэропортига тегишли ҳужжатларсиз келиб тушган ва 6 ой мобайнида эгаси аниқланмаган хавфли, тез бузилувчан ва ўзига хос сақлаш шароитларини талаб қилувчи бошқа турдаги юклар белгиланган тартибда ташувчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотувга қўйилади ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган бўлса, йўқ қилинади.

110. Ташувчи ёки унинг агенти юкни сотувга қўйиш ёки йўқ қилиш бўйича қарор қабул қилган тақдирда, бу ҳақда юк жўнатувчи ёки юк олувчини хабардор қилиши шарт.

111. Сотиш учун ажратилган юк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳоланади. Зарур ҳолларда, юкнинг қийматини баҳолаш учун экспертлар жалб қилинади.

#### **IV боб. Махсус юкларни ташиш**

##### **1-§. Умумий қоидалар**

112. Тез бузиладиган, нам, хавфли, қимматбаҳо, оғир вазнли, йирик ҳажмли юклар, автомобиль ва ғилдиракли (ўзиюрар) транспорт воситалари, санъат асарлари, музей экспонатлари, тирик жониворлар, инсон жасади ва бошқа юклар махсус юклар ҳисобланади.

113. Махсус юклар ўзига хос табиий хусусиятлари ва уларга махсус ишлов бериш зарурияти туфайли алоҳида шароитлар асосида ташишга қабул қилинади.

114. Махсус юкларни ташиш жараёнида ташувчи ёки унинг агенти бундай юк ҳақида ҳаво кемаси командирига хабар берувчи хабарнома (NOTOC) расмийлаштириши керак.

##### **2-§. Тез бузиладиган юкларни ташиш**

115. Тез бузиладиган юкларга “тез бузиладиган” деб ёзилган ёрлиқ ёпиштирилган бўлиши зарур. Тез бузиладиган юкларни ташишга қабул қилишда ташувчи ёки унинг агенти бундай юкларнинг сақланишини таъминловчи барча омилларни, жумладан:

юкнинг ташқи ўрамаси юкнинг табиий хусусиятларига мувофиқлигини;

ҳаво кемаларининг ҳаракат ва йўналиш жадвалини;

ҳаво кемаси русуми ва юкни унга жойлаштириш қоидаларини;

ташиш шароитларини;

ташишнинг давомийлигини;

жўнаш, транзит, манзил аэропорти жойлашган давлатларнинг қонунчилиги талабларини ҳисобга олиши шарт.

116. Тез бузиладиган юклар олдиндан банд қилинган юк сифатида ташилади ҳамда бирлаштирилган юклар таркибида ташишга қабул қилинмайди.

117. Ташувчи ёки унинг агенти қуйидаги ҳолларда тез бузиладиган юкларни

ташишга қабул қилишдан бош тортиши мумкин:

юкнинг таркиби ўз ҳолати бўйича шубҳа уйғотган ҳолларда;

юк ташишда юк жўнатувчи томонидан ўзига хос шароитларга риоя этиш зарурлиги кўрсатилганда (“доим музлаш камерасида сақлансин” ёки “-5°C ҳароратда сақлансин”), юк ташиш шартномасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

юк жўнатувчи томонидан юкни ташиш шароитлари (сақлаш муддати, ҳарорати, юк олувчи билан мулоқотда бўлиш усуллари) аниқ кўрсатиб берилмаганда;

юкнинг ташқи ўрамаси зарур талабларга жавоб бермаганда;

ташувчи ёки унинг агентидан юкни ташиш ва етказиб бериш учун зарур имкониятлар бўлмаганда (ҳаво кемасида парвоз вақтида зарур ҳароратни таъминлай олмаслик, парвозлар жадвалининг тўғри келмаслиги ва ҳоказо);

об-ҳаво шароитлари (ҳаво ҳарорати, намлик) айрим тез бузиладиган юкларни ташиш учун тўғри келмаганда.

118. Муз билан қопланган тез бузиладиган юклар учун зарур шарт-шароитлар таъминланиши керак. Музнинг соф (нетто) вазни юкнинг ташқи ўрамасида кўрсатилиши шарт.

119. Муздан совутувчи восита сифатида фойдаланилганда, декларация тўлдириш талаб этилмайди, бунда юк хатининг тегишли катагига юкнинг номи ёзилгандан сўнг, муздан совутувчи восита сифатида фойдаланилганлиги кўрсатувчи ёзув киритилиши ва юкнинг сони кўрсатилиши керак.

120. Қатнов ушланиб қолган тақдирда, тез бузиладиган юкнинг бузилишини олдини олиш учун барча зарур чоралар кўрилиши керак. Тез бузиладиган юкларнинг миқдори, ушланиб қолиш вақти, юк сақланишини таъминлаш учун бино ва жиҳозларнинг мавжудлиги ва қатновни ўзгартириш имкониятларига қараб қуйидаги чоралар кўрилади:

юк учун зарур бўлганда ҳаво кемасида ҳаво ҳароратининг бир хилда ушлаб турилишини таъминлаш;

юкни бир хил ҳароратда ушлаб туриладиган омборга ёки совутгич камераларига жойлаштириш;

юкни совутиш учун муздан фойдаланилган бўлса, заруратга қараб музнинг захирасини тўлдириш;

юкни тушириш ва унинг жойини бошқа қатновда олдиндан қайта банд қилиш.

121. Ташувчи тез бузиладиган юкларни жўнатувчиларга ўзи эксплуатация қилаётган ҳаво кемаларининг юк ташиш бўлмаларида ҳарорат режимини таъминлаш шароитлари ва усуллари, вентиляция ва бошқа шартлари тўғрисида, алоҳида ишлов бериш, трансфер ва манзил аэропортларида сақлаш имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши шарт.

122. Тез бузиладиган юкнинг катта қисми бузилган тақдирда, ташиш тўхтатилиши ва юк туширилиши керак. Ташувчи бу ҳақда юк ташиш шартномасининг барча тарафларини дарҳол хабардор қилиши зарур.

### **3-§. Нам юкларни ташиш**

123. Таркибида суюқлик сақловчи ёки ўзидан суюқлик ёхуд кўп миқдорда намлик чиқарувчи юк нам юк ҳисобланади.

124. Нам юклар қуйидагича таснифланади:

суюкликлар;  
 хўл моддалар (гўшт, пўстлок, тери ва ҳоказо);  
 оддий муздан фойдаланган ҳолда ўралган моддалар;  
 ўзидан суюклик ажратиб чиқариши мумкин бўлган тирик жониворлар, мева ва сабзавот маҳсулотлари;

тирик, музлатилган ва совутилган балиқ ва балиқ маҳсулотлари.

125. Нам юклар ташиш учун юқори сифатли, сув ўтказмайдиган, ҳаво транспортида ташиш ва ишлов бериш учун пишиқ бўлган материаллардан тайёрланган ташқи ўрамаларда қабул қилинади.

126. Нам юк солинган ташқи ўрамалар ишлов бериш ва ташишда вертикал ҳолатда жойлаштирилиши ва маҳкамланиши керак.

127. Суюкликларнинг ўраш комплекти ва ҳаво кемаси полига ёки деворига тўкилиши ва сизиб чиқишининг олдини олиш учун нам юклар пластик матолар, брезент ва суюкликни ўзига тез сингдирувчи материаллар билан ўралиши керак.

128. Суюклик оқиб ёки сизиб чиққанда, ҳаво кемасининг ички қисмини ифлослантирганда ташувчининг агенти зудлик билан бу ҳақда ҳаво кемаси командирига ёки ташувчининг техник ходимига, аэропортдаги вакили ёки унинг аэропортдаги агентига хабар бериши ва юк бўлмаси полидаги нам изларни тозалаш учун барча зарур чораларни кўриши шарт.

#### **4-§. Қимматбаҳо юкларни ташиш**

129. Қимматбаҳо юклар ҳаво кемасининг ташиш сиғимини олдиндан банд қилиш шарти билан ташишга қабул қилинади.

130. Қимматбаҳо юкнинг қиймати, унинг таркиби, ташиш йўналиши ва сақланиши тўғрисидаги маълумотлар сир тугилиши керак.

131. Қимматбаҳо юкнинг ташқи ўрамаси қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: мустаҳкам беркитилган ва ичидагилари зич ўралган бўлиши; ичидагиларни олиш, алмаштириб қўйиш ёки суғуриб олиш эҳтимолини истисно қилган ҳолда ўралиши;

ҳар бир ўрамнинг вазни тортиб кўрилиши ва бу вазн қайд этилиб, ҳужжатлар билан солиштириб кўрилиши;

барча ўрамларнинг шикастланмаганлиги синчковлик билан текширилиши;

ҳар бир ташқи ўрама тамғаланиши;

қимматбаҳо юкнинг ўрами эътиборни жалб қилувчи ёрликларга эга бўлмаслиги.

132. Жўнаш, трансфер ва манзил аэропортида қимматбаҳо юкка ишлов берилганда, юклар-туширилаётганда, унинг бутлиги юк хати билан солиштириб кўрилиши ва рухсатсиз кириш тақиқланган жойда сақланиши зарур.

133. Ташувчи ёки унинг агенти қимматбаҳо юкни ташиш учун қабул қилишда юк жўнатувчидан юк ўрами варақасини талаб қилиши зарур.

134. Аэропортларда қимматбаҳо юкларни сақлашда қуйидаги маълумотлар қайд қилиниши зарур:

ўрам тавсифи (идентификацияси);

юк қўриқланадиган ҳудудга келтирилган сана ва вақт, юкни ушбу ҳудудга олиб келган ва унга рухсати бор шахслар ҳақида маълумот;

юк кўрикланадиган ҳудуддан чиқарилган сана ва вақт, юкни бу ҳудуддан чиқарган шахслар ҳақида маълумот. Бунда ҳар бир қайд жавобгар шахснинг имзоси билан тасдиқланиши зарур.

135. Қимматбаҳо юк бирлашган юк таркибида ташиш учун қабул қилинмайди, бирлашган юк тўлиқ қимматбаҳо юклардан иборат бўлган ҳоллар бундан мустасно.

### **5-§. Оғир вазнли ва йирик ҳажмли юкларни ташиш**

136. Вазни 150 килограммдан ортиқ бўлган юк оғир вазнли, ўлчамлари ҳаво кемасининг юк ортиладиган люклари ўлчамларидан ортиқ бўлган ва стандарт пакетлаш воситаларидан фойдаланилган ёки тегишли ўлчамлардан ортиқ бўлган юк йирик ҳажмли юк ҳисобланади.

137. Оғир вазнли юклар ўралган ва ўралмаган ҳолда ташилиши мумкин. Оғир вазнли юкларнинг идиши ортиқча юкланиш коэффициентини ҳисобга олинган ҳолда юк вазнига тенг юкланишга мўлжалланган бўлиши зарур.

138. Идишга жойлаштирилмаган оғир вазнли юклар махсус ёғоч паллетларга маҳкамланган ёки ёғоч тўсинлар ва тахталар кўринишидаги қистириб кўйиладиган материал билан таъминланган ҳолда ташишга қабул қилиниши лозим. Бунда ҳаво кемасининг полига тушадиган юкланиш белгиланган нормадан ошмаслиги ва юккўтаргичларнинг ишлашига имкон бериши зарур.

139. Ўлчами ва оғирлиги юкларда ва туширишда махсус ишлов берувчи жиҳозларни талаб этувчи юкларни ташиш учун ташувчининг розилиги талаб қилинади. Махсус ишлов берувчи жиҳозларнинг фойдаланилишини талаб этувчи юкларни ташиш учун бундай юкларни қабул қилишдан олдин йўналишнинг барча қисмидаги ташишларда иштирок этадиган аэропортлардан бундай юкни қабул қилиш ва ташиш учун розилик олиниши керак.

140. Оғир вазнли, йирик ҳажмли ёки узун ўлчамли юкларнинг тавсифи ҳаво кемаси командирига берилладиган махсус хабарномага (NOTOC) киритилиши керак.

### **6-§. Автомобиль ва ғилдиракли (ўзиюрар) транспорт воситаларини ташиш**

141. Йўловчи ҳаво кемасида ўлчамлари (узунлиги, кенглиги, баландлиги) 430 x 150 x 160 см дан, оғирлиги 2000 кг дан ошмайдиган автомобиль ва ғилдиракли (ўзиюрар) транспорт воситалари ташиш учун қабул қилинади.

142. Ўлчамлари белгиланган асосий ўлчамлардан ортиқ бўлган автомобиль ва ғилдиракли (ўзиюрар) транспорт воситаларини ташиш зарур бўлган тақдирда, ташувчи жўнаш аэропортининг имкониятлари, ҳаво кемасининг багаж-юк бўлмалари ва люкларининг ўлчамлари, автомобилнинг ёки ғилдиракли (ўзиюрар) транспорт воситаларининг бурилиш радиуси, юклар усули ва уларни туширишда манзил аэропорти имкониятларини инобатга олган ҳолда ташишга қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

143. Йўловчи ҳаво кемаларида газда юрадиган транспорт воситаларини ташиш тақиқланади. Бундай транспорт воситалари ҳаво кемаларида ИКАОнинг “Хавфли юкларни ҳавода хавфсиз ташиш бўйича техник йўриқномалари” (ИКАО, ДОС. 9284) ҳамда хавфли юкларни ташиш қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда ташилади.



144. Ҳаво кемасида ташиш учун қабул қилинадиган автомобиль ёки ғилдиракли (ўзиюар) транспорт воситалари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

тормози соз ҳолда бўлиши керак;

ёнига қарши жиҳозланган бўлиши керак;

ёнилғи бакидаги ёнилғининг ҳажми бакнинг тўртдан бир қисмидан ошмаслиги керак;

дизель ёқилғиси солинган ёнилғи бакида босим ўзгариши натижасида ёнилғи кенгайиши учун етарли бўшлиқ бўлиши керак;

ёнилғи бакининг қопқоғи маҳкам ёпилган бўлиши керак;

парвоз вақтида рессор ва амортизация тизимлари ўчириб қўйилган бўлиши керак;

аккумулятор батареялари яхшилаб маҳкамланган ҳолда жойида қолдирилиши ва клемминг бошқа деталлар билан туташуви қисми изоляция қилинган бўлиши керак;

ўт олдириш калити автомобилда қолдирилиши ва елим тасма ёрдамида автомобиль рулига бириктириб қўйилиши керак;

кўл тормози ишчи ҳолатида бўлиши керак;

автомобилнинг давлат рақами белгилари ечиб қўйилиши керак.

145. Автомобиль ёки ғилдиракли (ўзиюар) транспорт воситалари ташилганда, ташувчи ёки унинг агенти манзил аэропортида бундай юкни тушириш учун зарур бўлган технологик жиҳозлар, механизация ва автоматизация воситалари мавжудлиги тўғрисида тасдиқнома ва жўнатиш учун унинг розилигини олиши керак ҳамда манзил аэропортига юкнинг оғирлиги ва ўлчамлари тўғрисида маълумот юбориши лозим.

146. Автомобиль ёки ғилдиракли (ўзиюар) транспорт воситалари ҳаво кемасида бир ёки икки ёхуд ундан ортиқ пакетлаш воситаларида ташилиши мумкин. Ўлчамлари битта пакетлаш воситасига жойлаштириш имконини берувчи ва бир пакетлаш воситасида ташиладиган автомобиль ёки ғилдиракли (ўзиюар) транспорт воситалари пакетлаш воситасига жойлаштирилганда, автомобиль ёки ғилдиракли (ўзиюар) транспорт воситасининг оғирлик маркази пакетлаш воситасининг геометрик марказига тушиши керак.

147. Автомобиль ёки ғилдиракли (ўзиюар) транспорт воситасини пакетлаш воситасига маҳкамлаш бўйича операциялар ерда бажарилади. Икки ёки ундан ортиқ пакетлаш воситаларида ташиладиган автомобиль ёки ғилдиракли (ўзиюар) транспорт воситасини пакетлаш воситасига маҳкамлаш бўйича операциялар ҳаво кемасининг ичида бажарилади.

148. Автомобиль ёки ғилдиракли (ўзиюар) транспорт воситалари уларнинг ўлчамларига қараб багаж-юк бўлмаларига ҳаво кемасининг ўқи бўйлаб ёки унга кўндаланг ҳолда юкланади.

149. Автомобиль ёки ғилдиракли (ўзиюар) транспорт воситаларини ҳаво кемасидан тушириш юклаш тартибига тесқари равишда амалга оширилади.

### **7-§. Кузатиб борилмайдиган багажларни ташиш**

150. Йўловчининг багажини у учиб кетаётган қатновда ташишнинг имконияти бўлмаса, ташувчи йўловчи билан келишган ҳолда унинг багажини вақт жиҳатидан энг яқин бўлган бошқа қатновни амалга ошираётган ҳаво кемасида юбориши шарт, бунда вазни бепул багаж олиб кетиш нормасига тўғри келадиган багаж йўловчининг ўзи билан

бирга жўнатилиши шарт.

151. Кузатиб борилмайдиган багаж фақатгина йўловчининг шахсий мулкидан, жумладан унча катта бўлмаган мусиқа асбоблари ва спорт жиҳозларидан иборат бўлиши мумкин. Бунда йўловчи кузатиб борилмайдиган багаждаги ашёларнинг рўйхатини тақдим этиши ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини таъминлаши керак.

152. Механизмлар, машиналар ёки уларнинг эҳтиёт қисмлари, пул, қимматли қоғозлар, қимматбаҳо буюмлар, соат, идишлар, қумушдан ясалган ошхона асбоблари, мўйна, фото ва кинокамералар, ҳужжатлар, ичимликлар, атир-упа маҳсулотлари, савдо намуналари ва нозик маиший техникани, шунингдек хавфли юкларни кузатиб борилмайдиган багаж сифатида ташиш тақиқланади.

153. Кузатиб борилмайдиган багажлар фақат эълон қилинган қиймати билан ташиш учун қабул қилинади ва бунда бу қиймат унинг ҳақиқий қийматидан ортиқ бўлмаслиги керак.

154. Ташувчи ёки унинг агенти йўловчини жўнаш, трансфер/транзит аэропорти жойлашган давлатларнинг юк ташишга нисбатан қўлланиладиган божхона қоидаларига риоя этиши ҳамда манзил аэропортида божхона текширувидан ўтиши учун божхона брокери талаб қилиниши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириши шарт.

155. Ҳар бир кузатиб борилмайдиган багаж ўрни идишга ўралган бўлиши ёки мустақкам яхлит мато билан ўралиб, каттиқ боғланган бўлиши шарт. Бунда ҳар бир кузатиб борилмайдиган багаж ўрнига маркировка белгилари қўйилиб, ички томонига эгасининг исми ва уй манзили ёзилган бўлиши, ташқи томонида эса юк олувчининг фамилияси ва етиб бориш жойидаги манзили кўрсатилган ёрлиқ ёки бирка бўлиши зарур.

156. Юк хатида юк жўнатувчи ва юк олувчининг тўлиқ номи ҳамда манзили кўрсатилиши шарт. Юк хатида “Сўраб олингунга қадар” ёзувини киритиш тақиқланади.

### **8-§. Санъат асарлари ва музей экспонатларини ташиш**

157. Санъат асарлари ва музей экспонатлари юк сиғимини олдиндан банд қилиш шarti билан ташилади. Юк жўнатувчи бундай турдаги юкларни ташиш учун олдиндан юк сиғимларини банд қилиш зарурлиги ҳақида хабардор этилиши керак. Санъат асарлари ва музей экспонатларига ишлов бериш ва уларни ташиш уларнинг таснифига мувофиқ эҳтиёткорлик ва эътибор билан амалга оширилади.

158. Ташувчи санъат асарлари ва музей экспонатларини ташишга қабул қилишда юк жўнатувчидан юк ўрами варақасини талаб қилиши зарур.

159. Санъат асарлари ва музей экспонатларини ташишда бир ёки икки қаватли кутилардан ёки қўлда олиб кетиш учун мўлжалланган ўрамлардан фойдаланилади. Санъат асарлари ва музей экспонатларига маркировкалаш белгиларини қўйишда уларга кимёвий таркибига кўра зарар етказиши мумкин бўлган бўёқлардан фойдаланиш тақиқланади.

### **9-§. Тирик жониворларни ташиш**

160. Тирик ҳайвонлар ва қушлар, ҳашаротлар, асарилар, қуруқликда ҳам сувда ҳам яшовчи ҳайвонлар ва бошқалар (бундан буён матнда жониворлар деб юритилади) ташиш учун қабул қилиниши мумкин. Жониворларни ташиш ташувчининг юк ташиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

161. Ташувчи ёки унинг агенти жониворларни юк сифатида ташишга қабул

қилишда ташиш вақтида қулайлик, хавфсизлик ва санитария талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида уларни мустаҳкам идишга (контейнер, транспорт қафаслари ва хоказо) жойлаштиришни талаб қилиши мумкин. Бунда мазкур идишлар уларга ишлов бериш бўйича йўриқномаларга эга бўлиши ҳамда яшил рангли “Live animals”/“Тирик жониворлар” деб ёзилган махсус ёрлиқлар билан маркировкаланиши керак.

162. Жониворлар, коида тариқасида, уларни кузатиб борувчи шахс билан биргаликда ташилади. Бунда жониворларни кузатиб борувчи шахс зарур тиббий ва техник воситаларга (ветеринар аптекаси, махсус кийим, тўшама ва маҳкамловчи материаллар, жиҳозлар ва хоказо), шунингдек уларни боқиш учун етарли миқдорда озуқа ва ичимликка эга бўлиши, уларни парваришлаши ва озиклантириши, зарур ҳолларда ҳаво кемаси экипажи аъзолари ва атрофдагиларнинг хавфсизлигини таъминлаши керак.

163. Майда ҳайвон ва қушларни ташишда қуйидагиларга қатъий риоя этиш талаб этилади:

уларни фақат тўғридан-тўғри учадиган қатновлар орқали ташиш;

уларни жўнаш аэропортига ташувчи билан келишилган муддатда олиб келиш;

уларни аэропортда турган ва ҳаво кемасига юклаш вақтида юк жўнатувчи ёки унинг вакили ёхуд форвардер назорати остида бўлишини таъминлаш.

164. Жониворлар бирлашган юк таркибида ташиш учун қабул қилинмайди, бирлашган юк тўлиқ жониворлардан иборат бўлган ҳоллар бундан мустасно.

#### **10-§. Инсон жасадини ташиш**

165. Инсон жасади унинг вафоти этганлиги ҳақида тегишли расмий ҳужжат бўлганда, агар жасад кремация қилинган бўлса, кремация тўғрисида ҳам тегишли ҳужжат бўлганда ташишга қабул қилинади. Бунда инсон жасади олиб бориладиган давлат қонунчилиги бўйича талаб этиладиган ҳужжатлар ҳам илова қилиниши керак.

166. Инсон жасадини ташиш Хорижий давлат ҳудудида вафот этган шахсни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дафн этишда кўмаклашиш тартиби ҳақидаги низом (рўйхат рақами 2269, 2011 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 39-сон, 407-модда) талаблари асосида амалга оширилади.

167. Кремация қилинмаган инсон жасадидан иборат юкнинг тавсифи ҳаво кемаси командирига бериладиган махсус хабарномага (NOTOC) киритилиши керак.

168. Юк хатида махсус ишлов бериш коди – “HUM” кўрсатилиши керак.

169. Кремация қилинмаган инсон жасадини йўловчи ҳаво кемаларида ташишга мазкур ҳаво кемаларида ажратилган багаж-юк бўлмалари бўлгандагина рухсат этилади. Багаж-юк бўлмалари бўлмаган тақдирда, кремация қилинмаган инсон жасади фақат махсус буюртма қилинган қатновлар орқали ташилиши мумкин. Кремация қилинмаган инсон жасадини йўловчилар билан бирга ташишга йўл қўйилмайди.

170. Кремация қилинган инсон жасади барча юк ва йўловчи ҳаво кемаларида ташиш учун қабул қилинади. Инсон жасадини ташиш учун ташувчининг юк ташиш қодаларига мувофиқ ҳақ олинади.

171. Инсон жасади 200 кг (катталар) ва 100 кг (12 ёшгача бўлган болалар) шартли вазн бўйича ташишга қабул қилинади. Юк хатининг “Chargeble Weight/Ҳақ тўланадиган юк” катагида ҳақи тўланиши лозим бўлган оғирлик сифатида ҳақиқий вазни қанча эканлигидан қатъи назар, тегишли равишда 200 кг ёки 100 кг вазн кўрсатилади. Жасад

кули солинган кути унинг ҳақиқий вазнига қараб ташишга қабул қилинади.

172. Инсон жасадини йўловчи ҳаво кемасига ортиш йўловчилар ҳаво кемасига чиқмасдан олдин амалга оширилади, улар манзил аэропортида йўловчилар ва уларнинг багажлари туширилгандан сўнг, туширилади.

173. Инсон жасади ва жасад кули солинган кутилар озиқ-овқат маҳсулотлари солинган юклар билан ёнма-ён жойлаштирилмаслиги ва тирик жониворлардан алоҳида жойлаштирилиши керак.

174. Инсон жасади бирлашган юк таркибида ташиш учун қабул қилинмайди, бирлашган юк тўлиқ инсон жасадидан иборат бўлган ҳоллар бундан мустасно. Инсон жасади, қоида тариқасида, кузатиб борувчи шахс билан бирга ташилади.

### **11-§. Хавфли юкларни ташиш**

175. Хавфли юклар ИКАОнинг “Хавфли юкларни ҳавода хавфсиз ташиш бўйича техник йўриқномалари” (ИКАО, DOC 9284/AN905) ва Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари”га (ЎЗР АҚ-198) (рўйхат рақами 1721, 2007 йил 25 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 39-сон, 407-модда) мувофиқ ташилади.

### **V боб. Расмийлаштириш**

176. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ва олиб чиқиб кетиладиган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит олиб ўтиладиган барча юклар қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона, санитария-карантин, ветеринар, фитосанитар расмийлаштирувдан ўтказилади.

177. Ташувчи ёки унинг агенти, юк жўнатувчи ва юк олувчи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига, ҳудудидан, ҳудудига ва ҳудуди орқали ташиш амалга ошириладиган давлатларнинг қонунчилигига риоя этиши шарт.

178. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аэропортларнинг ердаги хизматлари ва ваколатли давлат органлари томонидан қатновларга хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш парвозларнинг суткалик жадваллари, уларни аниқлаштириш ва тўлдириш бўйича қўшимчаларга қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилади. Мазкур қўшимчалар тегишли аэропортнинг технологик графиклари билан тасдиқланади.

Юкни қабул қилиш бўйича ваколатли давлат органларининг талаблари ва ташувчининг юк ташиш қоидалари бажарилмаганлиги учун жавобгарлик юк жўнатувчига юклатилади.

### **VI боб. Юк ташиш шартномасининг бекор бўлиши**

179. Юк ташиш шартномаси ташувчи ва юк жўнатувчининг ташаббуси билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

180. Қуйидаги ҳолларда ташувчи юк ташиш шартномасини бир томонлама бекор қилиши мумкин:

юк жўнатувчи томонидан жўнаш, трансфер/транзит ва манзил давлатларнинг қонунчилиги талаблари бузилганда;

юк жўнатувчи ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортганда;

юкни ташиш авиация хавфсизлигига таъсир кўрсатиш хавфини юзага келтирганда;  
 юк жўнатувчи авиация хавфсизлиги талабларига риоя қилмаганда;  
 юк таркибида ташиш тақиқланган нарсалар бўлганда;  
 юк ташиш шартномасида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

181. Юк ташиш шартномаси қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши мумкин:

форс-мажор вазиятлар туфайли ташувчи аввал келишилган шартларни бажара олмаганда, эмбарго эълон қилинганда;

юк жўнатувчи томонидан мазкур Коидалар, ташувчининг юк ташиш қоидалари, шунингдек жўнаш, трансфер/транзит ва манзил давлатларнинг қонунчилиги талаблари бажарилмаганда;

ташувчининг айби билан юк ташиш шартномасининг олдиндан келишилган шартларини бажариш имкони бўлмаганда;

юк ташиш шартномасида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

182. Ташувчининг хатти-ҳаракатлари туфайли юк ташиш шартномаси шартларини бажариш имкони бўлмаганда, ташувчи ташиш ва ишлов бериш учун тўланган пул қийматининг ҳаммасини қайтариб беради, агар юк ташишни тўхтатиш йўналишнинг бирор-бир манзилида рўй берган бўлса, ўз ҳисобидан юкни жўнаш аэропортига қайтариб олиб келади.

183. Жўнаш, трансфер/транзит ва манзил давлат қонунчилиги талабларини бажармаган тараф бунинг натижасида юк ташиш шартномаси шартларининг ўзгариши ва у билан боғлиқ бошқа харажатлар учун жавобгар бўлади.

184. Юк ташиш шартномаси ихтиёрий равишда бекор қилинганда, ташувчи юк жўнатувчига юкни расмийлаштириш ва юк ташиш шартномаси бекор қилингунга қадар юкка ишлов бериш билан боғлиқ барча харажатларни чегириб қолган ҳолда ташиш учун тўланган суммани қайтариб беради.

185. Юк ташиш шартномаси ихтиёрий равишда ўзгартирилганда, ташувчи юк ташиш ҳужжатларини қайтадан расмийлаштиради ва ташиш учун тўланган пул қийматини қайта ҳисоб-китоб қилади, бунда:

агар юк ташиш шартномаси шартларининг ўзгартирилиши ташиш қийматининг ортишига олиб келса, юк ташиш шартномаси шартлари ихтиёрий равишда ўзгартирилиши оқибатида юзага келган барча қўшимча йиғимларни юк жўнатувчидан ундириб олади;

агар юк ташиш шартномаси шартларининг ўзгартирилиши ташиш қийматининг камайишига олиб келган бўлса, тўланган пул қиймати билан янгидан ҳисобланган ташиш қиймати ўртасидаги фарқни юк жўнатувчига қайтариб беради.

186. Юк ташиш ташувчи ёки юк жўнатувчининг ташаббуси билан, шунингдек ташувчининг айби билан бажарилмаган тақдирда, ташувчи ёки унинг агенти ташувчининг тарифларни қўллаш бўйича қоидаларига мувофиқ юк жўнатувчига пул қийматини қайтариб бериши шарт.

## **ҲҲ боб. Томонларнинг жавобгарлиги**

187. Ташишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, тарафлар халқаро шартномаларда, қонун ҳужжатларида, шунингдек юк ташиш шартномасида белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

**VIII боб. Яқуний қоида**

188. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Миллий хавфсизлик хизмати ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси билан келишилган.

## МУНДАРИЖА

### Ҳаво транспортида юк ташиш қоидалари

I боб. Умумий қоидалар	2
II боб. Юкларни ташиш шартномалари асосида ташиш	4
§ 1. Юкларни чартер шартномаси асосида ташиш	4
§ 2. Юкларни ташиш шартномаси асосида ташиш	4
§ 3. Парвозлар жадвали	4
§ 4. Ташувчи томонидан кўрсатиладиган хизматлар	4
III боб. Юк ташиш шартномасининг асосий шартлари	5
1-§. Ташиш сифimini банд қилиб қўйиш	5
2-§. Юкни ташишга қабул қилиш	5
3-§. Юк хати	7
4-§. Юкнинг вазнини текшириш	7
5-§. Юкларни қабул қилиш ва жойлаштириш	7
6-§. Юк қийматининг эълон қилиниши	8
7-§. Юкни тасарруф этиш ҳуқуқи	9
8-§. Юкни кузатиб борувчининг иштирокида ташиш	9
9-§. Юкни пакетлаш воситаларида ташиш	10
10-§. Трансфер юкни ташиш	11
11-§. Юкни ҳаво кемасига ортиш ва тушириш	11
12-§. Юкни топшириш	12
13-§. Ташувчининг юкни сақлаш мажбурияти	12
IV боб. Махсус юкларни ташиш	13
1-§. Умумий қоидалар	13
2-§. Тез бузиладиган юкларни ташиш	13
3-§. Нам юкларни ташиш	14
4-§. Қимматбаҳо юкларни ташиш	15
5-§. Оғир вазли ва йирик ҳажмли юкларни ташиш	16
6-§. Автомобиль ва ғилдиракли (ўзиюрар) транспорт воситаларини ташиш	16
7-§. Кузатиб борилмайдиган багажларни ташиш	17
8-§. Санъат асарлари ва музей экспонатларини ташиш	18
9-§. Тирик жониворларни ташиш	18
10-§. Инсон жасадини ташиш	19
11-§. Хавфли юкларни ташиш	20
V боб. Расмийлаштириш	20
VI боб. Юк ташиш шартномасининг бекор бўлиши	20
VII боб. Томонларнинг жавобгарлиги	21
VIII боб. Яқуний қоидалар	22